

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХИДОЯТОВ ЖАХОНГИР СУРАТОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАГАН
ҲОЛДА АППЕНДИКУЛЯР ПЕРИТОНИТНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Хидоятов Жахонгир Суратович

Болаларда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда
аппендикуляр перитонитни хирургик даволашни такомиллаштириш 3

Хидоятов Жахонгир Суратович

Совершенствование хирургического лечения аппендикулярного
перитонита у детей с использованием современных технологий ... 21

Hidoyatov Jaxongir Suratovich

Improving the surgical treatment of appendicular peritonitis in children
using modern technologies 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХИДОЯТОВ ЖАХОНГИР СУРАТОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАГАН
ҲОЛДА АППЕНДИКУЛЯР ПЕРИТОНИТНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.2.PhD/Tib1013 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Акилов Хабибулла Атауллаевич тиббиёт фанлари доктори, профеесор
Расмий оппонентлар:	Эргашев Бахтиёр Бердалиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Акбаров Миршавкат Миралимович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етақчи ташкилот:	Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (125 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли, 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.В. Девятков

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «ўткир аппендицит болаларда энг кенг тарқалган хирургик шошилиш ҳолат ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ўткир аппендицитнинг ҳаёт давомидаги ҳисоблаб чиқилган хавфи 7% дан 12% гача тўғри келади, касалланиш кўрсаткичи 100000 аҳолига тахминан 86-93 ҳолатни ташкил қилади ва асосан 10-17 ёшгача учрайди»¹. Ўткир аппендицитнинг асоратли шакллари алоҳида муаммо бўлиб, аппендикуляр абсцесс, перитонит ва сепсис ривожланиши катталарга нисбатан 8 марта кўп учраши билан тавсифланади. Бунда унинг деструктив шакллари учраши 74% ни ташкил қилади, болаларда перитонитнинг тарқоқ шакллари эса маҳаллий шакллари нисбатан 2,5 марта кўпроқ учрайди. Болаларда, клиник манзаранинг ноаниқлигига қўшимча равишда, кўпинча маҳаллий белгиларга нисбатан умумий симптоматика устунлик қилади, касалликнинг кеч ташхисоти эса, антибиотикларни кўп тавсия қилиш билан тушунтирилади, бу касалликнинг намоён бўлишини яширади, аммо қорин бўшлиғидаги яллиғланиш жараёнини зўрайишини бартараф этмайди

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда болаларда аппендикуляр перитонитда кузатиладиган, касалликнинг кечишида ва мураккаб патофизиологик ўзгаришларнинг турли жиҳатларида аҳамиятли бўлган, сабаб-оқибат алоқаларни ҳамда мойил ҳолатларни ўрганиш энг долзарб тадқиқотлар бўлиб қолмоқда. Болалар организмнинг анатомик-физиологик ва иммунореактив хусусиятларини, патологик жараённинг кечишига микробли ва генетик омилларнинг таъсирларини ўрганишга оид тадқиқотлар давом эттирилмоқда, бу эса аппендицитнинг асоратли шакллари ривожланиши хавфи юқори бўлган беморларни мониторинг қилиш, ўз вақтида ташхислаш ва даволаш учун ишлатилиши, шунингдек ташрихдан кейинги асоратлар сонини камайтириши мумкин.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида замонавий ташхислаш ва даволаш технологияларини жорий этиш орқали ўткир абдоминал хирургик патологияси мавжуд болаларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, ўткир асоратланган аппендицит мавжуд болаларда ташрихдан олдинги тайёрлов сифатини ва хавфсиз хирургик тактика усулларини яхшилаш бўйича ижобий натижаларга эришилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган². Ушбу вазифаларни амалга

¹ Di Saverio S, Podda M, De Simone B, et al. Diagnosis and treatment of acute appendicitis: 2020 update of the WSES Jerusalem guidelines. World J Emerg Surg. 2020;15(1):27.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони, ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.

ошириш, шунингдек, болаларда ўткир аппендицит хирургиясининг яқунларини омилли таҳлил қилиш ва башоратлашнинг тактик жиҳатларини ҳамда ташхислаш ва перооперацион асоратларни олиб боришни такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони ва 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда, катталардан фарқли равишда, аппендицитнинг ташхисоти бир қатор қийинчиликларга эга эканлиги тадқиқотларда исботланган, бу бола организмнинг анатомик-физиологик ҳамда рухиятининг ёшга хос хусусиятлари билан боғлиқдир³. Сўнгги йилларда ўткир аппендицитга бағишланган йирик халқаро конгрессларда (EAES-2015 consensus development conference⁴, WSES-2020 update of the World Society of Emergency Surgery⁵), мутахассисларнинг катта эътибори айнан педиатрик амалиётга, инструментал ташхисотнинг илмий-асосланган усулларини ишлаб чиқишга, консерватив даволаш ва эндовизуал хирургия хусусиятларига қаратилмоқда. Хусусан, M.D.Volmers ва бошқ. (2018) тадқиқот натижаларига кўра, «ўткир аппендицит ташхисотининг аниқлиги, аппендэктомиянинг сохта манфий частотаси 20% бўлган ҳолда, тахминан 80% ни ташкил этади». Бундан келиб чиқадики, ҳозирги даврда болаларда ўткир аппендицитнинг асоратланган шакллари ташхислаш масаласи нафақат касалликни ўз вақтида аниқлашдан, балки “беҳуда” лапаротомиялар сонини камайтиришдан ҳам иборат. M.J.Callahan ва бошқ. (2015)⁶, маълумотларига кўра «компьютер томографияси юқори сезгирлиги (98,5%), спецификлиги (98,0%) ва аниқлиги (98,1%) ҳисобига қорин бўшлиғи ичи асоратларини самарали қиёслаш ва лапароскопик

³ Bhangu A., Soreide K., Di Saverio S. et al. Acute appendicitis: modern understanding of pathogenesis, diagnosis, and management. *Lancet*. 2015;386: 1278-87.

⁴ Gorter RR, Eker HH, Gorter-Stam MA, et al. Diagnosis and management of acute appendicitis. EAES consensus development conference 2015. *Surg Endosc*. 2016;30(11):4668–4690. doi:10.1007/s00464-016-5245-7

⁵ Di Saverio S, Podda M, De Simone B, et al. Diagnosis and treatment of acute appendicitis: 2020 update of the WSES Jerusalem guidelines. *World J Emerg Surg*. 2020;15(1):27.

⁶ Callahan M.J. et al, Pediatric CT dose reduction for suspected appendicitis: a practice quality improvement project using artificial Gaussian noise. *Am J Roentgenol*. 2015;204:86-94

аппендэктомия (ЛА) амалиётини бажариш эҳтимоллигини ошириш имконини берувчи замонавий усул ҳисобланади».

Ушбу муаммога илмий-амалий қизиқиш, болаларда ўткир аппендицитнинг асоратли шаклларида лапароскопик амалиётларнинг самарадорлиги ва истиқболлари, шунингдек, анъанавий амалиётнинг ташрихдан кейинги асоратлари сони тўғрисидаги қарама-қарши маълумотлар мавжудлиги билан боғлиқ. Лапароскопик амалиётнинг катта афзалликлари ҳақидаги маълумотлар бўлишига қарамай, ўткир асоратланган аппендицит кўп ҳолларда ЛА га қарши кўрсатма сифатида баҳоланади (Rentea R.M. et al., 2017)⁷. Шунингдек, бугунги кунда маълум бўлганидек, ЛАни амалга ошириш бир қатор беморларда лапаротомияни ва унга боғлиқ ҳолда асоратларни олдини олишга имкон беради. Шунга қарамай, сўнгги мета-таҳлилда кўрсатилганидек (Low Z.X. et al. 2019)⁸, айрим далда берувчи натижалар, гангреноз ва перфоратив аппендицит ҳамда тарқалган перитонитда қўллаш бўйича ЛА кўшимча тадқиқотлар ўтказишга лойиқдир. Замонавий адабиётларда очиқ операцияга ўтиш билан боғлиқ хавф омиллари жуда кам ўрганилганлиги алоҳида эътибор талаб этиб, шу жиҳатдан болалардаги ўткир аппендицитнинг патогенези ва кечишининг ўзига хос хусусиятлари кўринишидаги ҳар қандай лаборатор маркернинг прогностик қиймати тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд эмас.

Адабиётлар таҳлилига кўра, болалардаги ўткир асоратли аппендицитда даволаш-диагностик тактикани такомиллаштириш масалалари замонавий болалар хирургиясининг долзарб ва охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан биридир. Шу муносабат билан, эндовизуал хирургияга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни аниқлаш, ҳамда интра- ва операциядан кейинги асоратларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда, болалардаги ўткир аппендицитнинг асоратли шаклларини хирургик даволашнинг янада ишончли тактикасини излаб топиш, ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга тадбиқ этиш бўйича кейинги мақсадли изланишлар зарур.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббий ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ ПЗ-20170929793-сонли «Болаларда қориннинг ёпиқ шикастланишларида янги технологиялардан фойдаланган ҳолда ташхислаш ва даволаш жараёнини такомиллаштириш» илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 й.).

Тадқиқотнинг мақсади замонавий кам инвазив технологияларни жорий этиш орқали болаларда ўткир асоратли аппендицитни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

икки динамик даврда болаларда ўткир асоратли аппендицитда хирургик

⁷ Rentea RM, St Peter SD. Pediatric Appendicitis. *Surg Clin North Am.* 2017;97(1):93-112.

⁸ Low ZX, Bonney GK, So JBY, Loh DL, Ng JJ. Laparoscopic versus open appendectomy in pediatric patients with complicated appendicitis: a meta-analysis. *Surg Endosc.* 2019;33(12):4066-4077.

фаоллик кўрсаткичларини ўрганиш;

болаларда ўткир асоратли аппендицитда лапароскопик амалиётларнинг натижаларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш;

ўткир асоратли аппендицитли болаларда лапароскопик аппендэктомия вақтида конверсиянинг асосий хавф омилларини аниқлаш;

болаларда ўткир асоратли аппендицитни хирургик даволаш усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012 йилнинг декабр ойидан 2019 йилнинг август ойигача бўлган даврда Республика шошилинич тез ёрдам илмий марказида ўткир асоратли аппендицит билан кузатувда бўлган 250 нафар беморлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети болаларда ўткир асоратли аппендицитда лапароскопик хирургиянинг самарадоригини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда ўткир асоратли аппендицитнинг турли хил намоён бўлиши ва клиник кечишининг хусусиятларига боғлиқ холда, лапароскопик аппендэктомияда конверсиянинг асосий патогенетик ва клиник хавф омиллари аниқланган;

ўткир асоратли аппендицит билан касалланган болаларда лапароскопик аралашувлар давомида очик аппендэктомияга ўтиш хавфини оширувчи муҳим интраоперацион омиллар аниқланган;

болалардаги ўткир аппендицитнинг нафақат асоратли кечишини тасдиқловчи белгиларни, балки конверсион аппендэктомиянинг предикторларини аниқлашда компьютер томографиянинг юқори информативлиги кўрсатилган;

ўткир асоратланган аппендицитли болаларда «салбий» лапароскопияни камайтиришда конверсиянинг периператив предикторларини аниқлашнинг аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир асоратланган аппендицит билан касалланган болаларда, хирургик даволашнинг мақбул тактикасини танлашни такомиллаштириш учун зарур бўлган, конверсиянинг ва у билан боғлиқ бўлган операциядан кейинги асоратларнинг асосий хавф омиллари аниқланган;

болаларда асоратланган ўткир аппендицитда эндовизуал хирургик фаолликни ошиши, «бехуда» лапаротомиялар улушини камайтиргани холда, касалликнинг морфологик шакли ва хамрох перитонитнинг хусусиятини аниқлашнинг ташхисот босқичини сифат жиҳатдан яхшилаш имконини берган;

болаларда ўткир аппендицитнинг хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритмидан фойдаланиш эндохирургик технологияларнинг имкониятлари

ва самарадорлигини ошириш, операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатдаги қониқарсиз натижалар сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларидан ҳамда лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланиш, услубий ёндашувларни тўғри қўллаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, лапароскопик аппендэктомияда конверсиянинг асосий патогенетик хавф омилларини аниқлаш билан ўткир асоратланган аппендицитга чалинган болаларни ташхислаш ва хирургик даволаш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, лапароскопик аппендэктомия самарадорлигининг таҳлили қониқарсиз натижаларнинг асосий сабабларини ва предикторларини аниқлаш ҳамда ўткир асоратланган аппендицит билан касалланган болаларни хирургик даволашнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда аппендикуляр перитонитни хирургик даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Болаларда ўткир асоратланган аппендицитда лапароскопик хирургия» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 8н-з/56-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар болаларда, айниқса касалликнинг гангреноз-перфоратив шакли бўлган беморлар гуруҳида, ўткир асоратланган аппендицитни даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлаш фаолиятига, хусусан, Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-клиникасининг ҳамда Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг болалар хирургияси бўлимлари амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 8н-з/56-сон маълумотномаси). Болаларда ўткир асоратланган аппендицитни хирургик даволашнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш эндовизуал хирургик фаолликни 59,2% дан 94,2% гача оширишга, конверсиялар частотасини 18,2% дан 10,6% гача, ўзига хос асоратлар частотасини эса 40% дан 7,9% гача камайтиришга, қониқарли натижалар улушини 57,7% дан 78,3% гача ошириш ҳамда қониқарсиз натижалар частотасини 9,2% дан 2,5% гача камайтиришга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 2 та ҳалқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан, 4 та мақола, шулардан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, Ўзбекистон Республикаси ОАК

томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Замонавий жиҳатдан болаларда ўткир асоратланган аппендицит муаммоси»** номли биринчи бобида ўткир асоратланган аппендицитли болаларни даволаш тактикаси ва патогенетик, клиник, диагностик хусусиятлари муаммоси бўйича илмий маълумотларнинг батафсил таҳлили, танқидий баҳолаш ва умумлаштириш ҳамда тизимлаштириш амалга оширилган. Адабиётлар таҳлили натижасида ушбу муаммо бўйича ҳал этилмаган вазифалар аниқланган.


Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг материали ва усулларининг клиник тавсифи»** номли иккинчи бобида клиник материал ва фойдаланилган тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқотнинг объекти сифатида ўткир асоратланган аппендицит билан касалланган 250 нафар болалар хизмат қилган. Ушбу тадқиқот иши 2012 йилнинг декабр ойидан 2019 йилнинг август ойигача бўлган даврда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг болалар хирургияси бўлимида ўткир асоратланган аппендицит билан касалланган болаларни хирургик даволаш тажрибасига асосланган.

Диссертациянинг **«Болаларда ўткир асоратланган аппендицитни хирургик даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш»** номли учинчи бобида болаларда ўткир аппендицит ва унинг асоратларида оператив амалиётларнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижалари таҳлили ва қиёсий баҳолаш кўрсатилган, хирургик даволашнинг анъанавий ва лапароскопик усулларини баҳолашда етакчи омиллар таҳлили ўтказилган, болалар абдоминал хирургиясига янги эндовизуал технологияларни кенг тадбиқ этиш имкониятлари аниқланган. Икки тадқиқот даврида: 2012 йил декабрдан 2015 йил декабргача – асосий гуруҳда ҳамда 2016 йил январ ойидан 2019 йил август ойигача – қиёсий гуруҳда хирургик даволашнинг узоқ муддатдаги натижалари таҳлили ва қиёсий баҳолаш амалга оширилган. Очиқ операциялардан (n=60) кейин беморларнинг клиник маълумотларига нисбатан олинган натижалар асосида асосланган лапаротомиялар таҳлили ўтказилган.

Эндовизуал хирургик фаолликнинг умумий кўрсаткичи қиёсий гуруҳда 59,2% ни (130 тадан 77 тасида), асосий гуруҳда эса 94,2% ни (120 тадан 113 тасида) ташкил этиб, ишончли тарзда кўпроқ бўлган ($\chi^2=41,755$, $df=2$, $p<0,001$). Конверсиянинг умумий кўрсаткичи 13,7% ни (190 тадан 26

тасида) ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, конверсия кўрсаткичи динамикаси кўриб чиқилса, очик операцияда конверсиянинг катта қисми таҳлил қилинган даврнинг дастлабки 3 йилида (қиёсий гуруҳ) бу 18,2% ни (77 ҳолатдан 14 тасида) ташкил этган, охириги 3 йил давомида эса (асосий гуруҳдаги беморлар) конверсия 113 ҳолатдан 12 тасида амалга оширилган (10,6%) (1-расм).

Беморлар хирургик даволашнинг якуний кўриниши бўйича тақсимланганда, қиёсий гуруҳда очик операциялар 53 (40,8%) ҳолатда бажарилган, бунда якунига етказилган лапароскопик аппендэктомиялар улуши 48,5% ни (130 тадан 63 тасида) ташкил этган, 14 (10,8%) ҳолатда операциялар конверсия билан якунланган. Тажриба ошиши ва бажариш техникасини такомиллаштириш билан лапароскопиядан фойдаланиш частотаси сезиларли даражада ортган. Яъни, асосий гуруҳда якунига етказилган лапароскопик амалиётлар 84,2% (120 тадан 101 тасида), конверсиялар эса 10,0% (120 тадан 120 тасида) ҳолларда кузатилган ($\chi^2=35,252$, $df=2$, $p<0,001$). Очик операциялар 7 ҳолатдагина бажарилган бўлиб, 5,8% ташкил этган.




Изоҳ: ОА – очик аппендэктомия, ЛА – лапароскопик аппендэктомия

1-расм. Таққосланаётган гуруҳларда хирургик фаоллик кўрсаткичлари

Болаларда ўткир аппендицитнинг турли шаклларида хирургик амалиётга лапароскопик техникани тадбиқ этиш ва фаол фойдаланиш очик аппендэктомиялардаги (ОА) ўзига хос асоратлар частотасини 40% дан лапароскопик аппендэктомияларда (ЛА) 7,9% гача ($\chi^2=32.77$, $P=0.001$),

операциядан кейинги умумий асоратларни 15,0% дан 7,3% га камайишга олиб келган (2-расм).



Изоҳ: ОА – очик аппендэктомия, ЛА – лапароскопик аппендэктомия

2-расм. Ўткир аппендицитни хирургик даволаш натижалари


Конверсион аппендэктомияларнинг (КА) натижалари алоҳида ўтганилган (n=26). Унга кўра, КА нинг бевосита сабаблари таркибида қорин бўшлиғидаги аниқланган патологик ўзгаришлар кўпинча қайд этилган бўлиб, бу операцияни кам инвазив усул билан бажаришда сезиларли техник қийинчиликларни келтириб чиқарган. Ичакнинг кучли ифодаланган парези 23,1% (26 тадан 6 тасида) ҳолларда, абсцессланишли зич аппендикуляр инфилтрат 19,3% (26 тадан 5 тасида) ҳолларда, чувалчангсимон ўсимта атрофидаги битишма жараёни 3 нафар беморда (11,5%) кузатилган, ҳамда тарқоқ перитонитга олиб келган, КАнинг энг кўп сабаби – 53,9% ҳолларда (26 тадан 14 тасида) кўричак гумбазининг флегмонаси/некрози эканлиги аниқланди.

ЛА ва КА дан кейинги яқин муддатдаги натижалар ва операциядан кейинги асоратлар қиёсий баҳоланганда, патологик чувалчангсимон ўсимтанинг кучли намоён бўлган битишмали ёки яллиғланишли ҳолатларида ҳам операцияни лапароскопик усулда якунлашга уринишлар, ЛА га нисбатан КА да 2 баравар давомли аралашувларга олиб келганлиги (ЛА да $81,7 \pm 9,3$ дақиқа, мос равишда, КА да $148,8 \pm 19,4$ дақиқа; $P < 0,01$); ҳамда ЛА га нисбатан операция давомида катта хажмда қон йўқотилишига олиб келганлиги (ЛА да $29,7 \pm 3,4$ мл, мос равишда, КА да $196,3 \pm 87,8$ мл; $P < 0,01$) кузатилди. Ўз вақтида ОА га ўтмаслик интраоперацион асоратларга олиб келгани ҳолда, давом этувчи перитонитнинг (ЛА да 1,8%, мос равишда, КА да 15,4%, $P < 0,001$), ўткир битишмали ичак тутилишининг (1,8%, мос равишда, 11,5%, $P = 0,043$) ва қайта амалиётларнинг (11,5%) частотасига таъсир кўрсатган. Оператив кириш йўлининг кенгайтирилиши операциядан кейинги жароҳат йиринглаши ривожланишига ҳам таъсир кўрсатган (КА да 15,4%, мос равишда, ЛА да 1,2%, $P < 0,001$). Ўзига хос периоперацион асоратларнинг умумий сони ЛА га

нисбатан КА да юкори бўлган (КА да 80,8%, ЛА да 14,6%; $P < 0,001$). ЛА гуруҳидаги беморлар шифохонадан эртароқ чиқарилган (ЛА да $9,3 \pm 2,6$ кун, КА да $14,3 \pm 5,6$ кун; $P < 0,01$).

Операцияларнинг узок муддатдаги натижалари таҳлил қилинганда, қиёсий гуруҳдаги болаларга нисбатан асосий гуруҳдаги беморлар, асоратланган ўткир аппендицит сабабли ўтказилган барча операциялардан сўнг анча қониқарли узок муддатли натижалар билан ажралиб турган.

Даволашнинг яхши даражадаги яқунларининг улуши 78,3% (120 нафардан 94 тасида) холатларга, қониқарли даражадагиси – 19,2% (120 нафардан 23 тасида) холатларга тўғри келган, қиёсий гуруҳда эса, ушбу кўрсаткич 57,7% (130 тадан 75 тасида) ва 33,1% (130 тадан 41 тасида) ни ташкил этган ($\chi^2 = 12,138$; $df = 2$; $P < 0,001$). Қониқарсиз натижаларнинг улуши қиёсий гуруҳда 9,2% ни (130 тадан 12 тасида), асосий гуруҳдаги беморларда эса 2,5% ни (120 тадан 3 тасида) ташкил қилган (3-расм).



3-расм. Барча операциялардан кейинги узок муддатдаги натижалар.

Диссертациянинг «**Болаларда ўткир асоратланган аппендицитнинг лапароскопик хирургиясида конверсиянинг сабаб-оқибат алоқалари**» номли тўртинчи бобида болаларда ўтказилган конверсион операцияларда ўткир асоратланган аппендицитнинг асосий шакллари аниқланган ва омилли таҳлил ўтказилган, инструментал диагностика асосида конверсиянинг хавф омиллари аниқланган, очик операцияларни бажарилиш объективлиги таҳлил қилинган ва болаларда ўткир асоратланган аппендицитни хирургик даволаш тактикаси ишлаб чиқилган.

Конверсия хавфининг омилли таҳлиliga хирургик амалиёт ЛА билан яқунланган 164 нафар ҳамда 26 нафар КА бажарилган беморлар киритилган. Омилли таҳлилга очик аппендэктомия ўтказган беморлар киритилмаган ($n = 60$).

Ўткир аппендицитда лапароскопик ва конверсион хирургик амалиёт ўтказилган болаларнинг қиёсий клиник тавсифи 1-жадвалда келтирилган. Қусиш ва диарея (ЛА да 121, мос равишда, КА да 20, $P = 0,933$) каби

интоксикацион клиник аломатларнинг ҳамда анамнезида илгари ўтказган абдоминал хирургик амалиётларнинг учраши бўйича (ЛА да 11, мос равишда, КА да 2, $P=0.854$) статистик жиҳатдан фарқ кузатилмаган. КА гуруҳида аломатларнинг давомийлик кўрсаткичи 12 нафар (46,2%) беморда, ЛА гуруҳида эса, 21 (12,8%) нафарида кузатилган. Статистик жиҳатдан фарқ аниқланган $P<0.001$.

1-жадвал

Ўткир аппендицитда лапароскопик ва конверсион хирургик амалиётлар ўтказилган болаларнинг қиёсий клиник тавсифи


	ЛА (n=164)	КА (n=26)	P
Ёши (йил), $M\pm\sigma$	9.4±4.5	9.3±4.3	0.93
Ўғил болалар/қиз болалар	111/53	17/9	0.817
ТВИ, $M\pm\sigma$	17.4±3.6	17.5±2.7	0.89
Қусиш	121 (73,8%)	20 (77%)	0.734
Диарея	18 (11%)	3 (11,5%)	0.933
Илгари ўтказган абдоминал операциялар	11 (6,7%)	2 (7,7%)	0.854
Тана харорати > 38°C	49 (29,9%)	14 (53,8%)	0.016
ASA 3-4	8 (4,9%)	6 (23,1%)	<0.001
Лейкоцитлар >12*10 ⁹ /л), $M\pm\sigma$	11.4±4.1	13.4±4.6	0.043
СРО (мг/дл), $M\pm\sigma$	6.1±3.1	11.3±9.4	<0.001
ЭЧТ > 25 мм/ч	11 (6,7%)	6 (23,1%)	0.007
Аломатлар > 48 ч	21 (12,8%)	12 (46,2%)	<0.001
Морфологик шакли			
Гангреноз	19 (11,6%)	5 (19,2%)	0.276
Перфоратив	72 (43,9%)	20 (77,0%)	0.002
SAGS score бўйича баҳолаш			
SAGS 2 (махалий перитонит)	78 (47,6%)	3 (11,5%)	-
SAGS 3 (диффуз перитонит)	26 (15,9%)	6 (23,1%)	0.361
SAGS 4 (тарқалган перитонит)	60 (36,6%)	17 (65,4%)	0.006

Шунингдек, анестезиологик хавфнинг ASA шкаласи бўйича операциядан аввал баҳолашда ҳам статистик жиҳатдан фарқ аниқланиб ($P<0.05$), у ЛА га нисбатан КА да юқори бўлган (ASA>3 ЛА ўтказилган беморларнинг 8 нафарида (4,9%), КА ўтказилганларнинг 6 нафарида (23,1%); $P<0.001$). КА ўтказган беморлар юқори даражадаги СРО га эга бўлган (11.3±9.4 мг/дл, мос равишда, 6.1±3.1 мг/дл; $P<0.001$). 38°C дан юқори бўлган фебрил тана харорати КА гуруҳида 14 (53,8%) ҳолатларда ва ЛА гуруҳида 49 (29,9%) ҳолатларда ($P=0.016$), лейкоцитларнинг умумий миқдори энг юқори бўлган кўрсаткич ЛА га нисбатан КА ли беморларда кузатилган (13.4±4.6*10⁹/л, мос

равишда, $11.4 \pm 4.1 \cdot 10^9/\text{л}$; $P=0,043$). Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги кўрсаткичида ҳам ($\text{ЭЧТ} > 25$ мм/ч) аҳамиятли фарқ аниқланган: КА да 23,1%, ЛА да эса 6,7%, $P=0.007$).

Диффуз перитонит ёки SAGS шкаласи бўйича 3 балл, ЛА га нисбатан (26 беморлар ёки 15,9%, $P=0.361$), кўпроқ КА гуруҳида кузатилган (6 беморларда ёки 23,1%). Умумий қабул қилинган таснифга кўра морфологик жиҳатдан асоратланган аппендицит, биз томондан, тарқалган перитонитга олиб келувчи ва SAGS шкаласи бўйича 4 баллга тўғри келувчи ўткир гангреноз/перфоратив аппендицит сифатида таърифланган, бу ҳам КА гуруҳида катта ўрин тутган (65,4%, мос равишда, 36,6%; $P=0,006$) (1-жадвал).

Ушбу омилларнинг таъсири статистик кўрсаткичлар келтирилган ҳолда 4-расмда кўрсатилган бўлиб, уларнинг мавжудлигида ёки йўқлигида очик аппендэктомияга ўтиш частотаси тасвирланган.



4-расм. Болаларда ўткир аппендицитдаги очик операцияларда конверсиялар сонига хавф омилларининг таъсири.

Лапароскопик амалиётларда очик аппендэктомияга ўтиш эҳтимоллигининг ошишига таъсир кўрсатувчи хавф омиллари ичида қуйидагилар келтирилган: ASA 3-4 балл (11,4% дан 42,8% гача, $P<0.001$); СРО 10 мг/дл дан ортиқ бўлиши (6,1% дан 31,0% гача, $P<0,001$), аппендицитнинг перфоратив морфологик шакли (6,1% дан 21,7% гача, $P<0,001$), тарқалган

перитонитнинг бўлиши (8,0% дан 22,1% гача, $P=0,006$), 48 соатдан ортиқ аломатларнинг давом этиши (8,9% дан 36,4% гача, $P<0,001$), 12000/мл дан ортиқ лейкоцитоз (10,2% дан 21,0% гача, $P=0,043$), ЭЧТ 25 мм/соат дан ортиқ бўлиши (11,6% дан 35,3% гача, $P=0,007$) ва тана хароратининг 38°C дан юқори бўлиши (9,4% дан 22,2% гача, $P=0,016$).

Бир омилли таҳлил болаларда ўткир асоратланган аппендицитда конверсиянинг юқори эҳтимоллиги билан боғлиқ бўлган 5 та омилни аниқлашда ёрдам берди, булар ASA ≥ 3 балл бўлиши, фебрил гипертермия ва лейкоцитознинг бирга учраши, СРОнинг юқори даражаси, касалликнинг гангреноз-перфоратив шакли ва тарқоқ перитонитдир.

Болаларда ўткир аппендицитда лапароскопиядан очиқ операцияга ўтишнинг юқори эҳтимоллиги билан боғлиқ бўлган хавф омилларининг ишончлилиги қуйидагича: симптоматиканинг давомийлиги 48 соатдан ортиқ бўлиши (ОШ=5,84; 95% ДИ: 2.38-14.31), “фебрил гипертермия ва 12000/мл дан ортиқ лейкоцитоз” бирга келиши (ОШ=2,203; 95% ДИ: 1.23-3.95), ЭЧТ кўрсаткичининг 25 мм/соатдан юқори бўлиши (ОШ=4.17; 95% ДИ 1.39-12.5), СРО миқдори > 10 мг/дл бўлиши (ОШ=6.98; 95% ДИ: 2.82-17.25); гангреноз-перфоратив аппендицит (ОШ=4,26; 95% ДИ: 1.63-11.2) ва тарқалган перитонит (ОШ=5.16; 95% ДИ: 2.18-12.21) (2-жадвал).

2-жадвал


Лапароскопиядан КА га ўтиш предикторларининг омилли таҳлили

	ОШ	95% ДИ	<i>P</i>
Аломатлар > 48 соат	5.84	2.38-14.31	0.001
Юқори миқдордаги СРО (> 10 мг/дл)	6.98	2.82-17.25	0.001
Фебрил тана харорати + лейкоцитоз > 12000	2.203	1.23-3.95	0.016
ЭЧТ > 25 мм/с	4.17	1.39-12.5	0.007
ASA 3-4	5.85	1.84-18.59	0.001
Асоратли (гангреноз-перфоратив) аппендицит	4.26	1.63-11.2	0.002
Тарқалган перитонит	5.16	2.18-12.21	0.006

Сўнгра ЛА ва КА гуруҳларида ЛА да очиқ операцияга ўтиш предикторларини аниқлаш билан МСКТ текшируви натижаларининг қиёсий тавсифи келтирилган (ЛА гуруҳида 14 ҳолат ва 9 ҳолат – КА гуруҳида).

Болаларда ўткир аппендицит сабабли ўтказиладиган лапароскопик хирургик амалиётда очиқ операцияга конверсия сонини аниқлаш учун қуйидаги эҳтимолли асосий хавф омиллари ажратилган ва қиёсий баҳоланган: чувалчангсимон ўсимтанинг атипик жойлашиши (чаноқ соҳасида, жигар остида, медиал, чап томонлама, ретроцекал), кўричак деворининг кучли қалинлашиши, периаппендикуляр абсцесс, аппендиколит, лимфаденопатия, 4-5 даражали КТ. Ушбу омилларнинг таъсири 5-расмда кўрсатилган ва унда уларнинг мавжудлигида ва йўқлигида очиқ аппендэктомияга ўтиш частотаси тасвирланган.

Ўткир асоратли аппендицит сабабли лапароскопик амалиётлар ўтказишда конверсия эҳтимоллигининг ошишига таъсир этувчи хавф омиллари орасида (МСКТ маълумотлари бўйича) қуйидагилар ажратилган ва бир омилли таҳлил натижалари билан ҳам тасдиқланган: чанокда жойлашиши (16,7% дан 63,6% гача, $\chi^2=5,55$ $p=0,019$) ва бир нечта белгиларнинг бирга келиши, айнан КТ даражаси ≥ 4 балл (11,1% дан 57,1% гача, $\chi^2=5,389$, $p=0,021$).




5-расм. Ўткир аппендицит билан касалланган болаларда МСКТ ташхисоти давомида аниқланган хавф омилларининг очик операцияларга ўтиш частотасига таъсири

КА нинг асосий сабаблари ва предикторларини аниқлаш билан ўтказилган тадқиқот асосида асосланмаган лапаротомияларни аниқлаш билан ОА бажаришнинг объективлиги бўйича таҳлил ўтказилган ($n=60$). Натижаларга кўра конверсиялар фоизи 38,3% ташкил этиши мумкинлиги аниқланган. Бундан келиб чиқадики, 61,7% (60 тадан 37 тасида) ҳолатларда асосланмаган хирургик тактика қўлланилган ва лапаротомия кўрсатмаларига ортиқча баҳо берилган.

Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижалар асосида эндохирургия технологияларнинг имкониятлари ва самарадорлигини ошириш ҳамда операциядан кейинги яқин ва кечки муддатлардаги қониқарсиз натижалар сонини камайтириш имконини берувчи ташхисот ва хирургик даволаш алгоритминини ишлаб чиқдик (6-расм).

Операциядан олдинги босқичда хирургик амалиёт усулини танлашда қуйидаги мезонлар инобатга олинган: симптоматиканинг пайдо бўлиш вақти

ва давомийлиги, гипертермия даражаси ва тизимли яллиғланиш жавобига лаборатор белгиларнинг яққоллиги, УТТ ва МСКТ текширув маълумотлари.



6-расм. Болаларда ўткир асоратланган аппендицитнинг диагностикаси ва хирургик даволаш усулини танлаш алгоритми.

Симптоматиканинг 48 соатдан ортиқ сақланиши, яллиғланиш жавоби асосий кўрсаткичларининг биргаликда келиши – «фебрил гипертермия ва лейкоцитоз 12000/мл дан ортиқ», ЭЧТнинг 25 мм/соатдан ортиқ бўлиши, юқори СРО 10 мг/дл, МСКТ белгиларининг 4 баллдан ортиқ бўлиши

(чувалчангсимон ўсимтанинг атипик чанокда жойлашиши, диаметрининг ≥ 6 мм бўлиши деворининг қалинлашиши, қалинлашган ёнбош канал фасцияси ёки аппендикс тутқичи билан ўралган бўлиши, периаппендикуляр эркин суюқликнинг бўлиши, кўзга ташланувчи яллиғланишли масса (флегмона ёки аппендиколит) ва/ёки абсцесснинг бўлиши) ҳолатларида диагностик лапароскопия тавсия этилади. Ишлаб чиқилган алгоритмга мувофиқ, ташриҳ вақтида баҳолашда ва катарал ёки флегмоноз аппендицит мавжуд ҳолларда, ўсимта атрофида кучли намоён бўлган битишма жараёни кузатилмаган ҳолда маҳаллий ёки диффуз, гангреноз – перфоратив аппендицит тарқалаган перитонитнинг бўлишида, беморларда операцияни лапароскопик йўл билан яқунлаш тавсия этилади.

Лапароскопик тафтиш жараёнида қорин бўшлиғида кам инвазив усул билан операция бажаришда сезиларли техник қийинчиликларни юзага келтирувчи патологик ўзгаришлар (гангреноз-перфоратив аппендицит тарқалган перитонит билан биргалликда ОИТ кучли парези, зич аппендикуляр абсцесс, чувалчангсимон ўсимта атрофидаги битишма жараёни, ичаклараро абсцесслар, SAGS >4) аниқланганда конверсион аппендэктомияга ўтиш амалга оширилади.

ХУЛОСА

1. Болаларда ўткир асоратланган аппендицитни даволашда эндовизуал хирургик фаолликнинг ортиши мақбул усулни танлашда тактик ёндашувлар структурасини ўзгартириш имконини берди, анъанавий ОА улушининг кескин камайишида (2012-2015 йиллар мобайнида 40,4% дан 2016-2019 йилларда 5,8% гача), лапароскопик амалиётлар улушининг 59,2% дан 94,2% гача ортиши қайд этилди. Бунда конверсион аппендэктомиялар кўрсаткичи динамикада 18,2% дан 10,6% гача камайди ($\chi^2=41,75$, $p<0,001$).

2. Болаларда ўткир асоратланган аппендицит хирургиясига эндовизуал технологияларни тадбиқ этилиши касалликнинг морфологик шакллари ва ҳамроҳ перитонит хусусиятини аниқлашнинг диагностик босқичини сифат жиҳатдан яхшилашга ҳамда шу орқали операциядан кейинги специфик асоратлар (қорин бўшлиғига ва жароҳатга боғлиқ) частотасини 40,0% дан 7,9% гача ва носпецифик асоратлар частотасини 15,0% дан 7,3% гача ($\chi^2=36,184$, $p<0,001$) камайтириш, яхши натижалар улушини 57,7% дан 78,3% гача ошириш ва ёмон натижалар улушини 9,2% дан (130 тадан 12 тасида) 2,5% гача ($\chi^2=12,138$; $P<0,001$) камайтириш имконини берган.

3. Болаларда ўткир асоратланган аппендицитда лапароскопиядан конверсион аппендэктомияга ўтиш хавфини оширувчи муҳим омиллар қуйидагилар: 48 соатдан ортиқ симптоматиканинг давомийлиги (ОШ=5,84; 95% ДИ: 2.38-14.31), «фебрил гипертермия билан 12000/мл дан ортиқ лейкоцитознинг бирга келиши» (ОШ=2,203; 95% ДИ: 1.23-3.95), ЭЧТнинг 25 мм/соатдан ортиқ бўлиши (ОШ=4.17; 95% ДИ 1.39-12.5), СРО юқори даражада 10 мг/дл дан ортиқ бўлиши (ОШ=6.98; 95% ДИ: 2.82-17.25), ASA шкала бўйича анестезиологик хавфни баҳолаш 3 баллдан ортиқ бўлиши (ОШ=5.85; 95% ДИ 1.84-18.59), касалликнинг гангреноз-перфоратив морфологик

шаклини аниқланиши (ОШ=4,26; 95% ДИ: 1.63-11) ва тарқалган перитонитнинг мавжудлиги (ОШ=5.16; 95% ДИ: 2.18-12.21).

4. Болаларда ўткир асоратланган аппендицит хирургиясига эндохирургик технологияларни жорий қилиниши, лапароскопик аппендэктомиyani бажариш имкониятлари ҳисобига, “беҳуда” лапаротомиялар улушини (61,7%) камайтириш ва асосланган лапаротомиялар частотасини 38,3 дан 5,8% гача чеклаш имконини берган.

5. Ўтказилган тадқиқот ва олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган ташхисот ва хирургик даволаш усулини танлаш алгоритми эндохирургик технологияларнинг имкониятлари ва самарадорлигини ошириш, операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатдаги қониқарсиз натижалар частотасини камайтириш имконини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА
В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

ХИДОЯТОВ ЖАХОНГИР СУРАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ
АППЕНДИКУЛЯРНОГО ПЕРИТОНИТА У ДЕТЕЙ С
ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

14.00.35 - Детская хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib1013.

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников при Министерстве Здравоохранения Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Акилов Хабибулла Атауллаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Эргашев Бахтиёр Бердалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Акбаров Миршавкат Миралимович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Самаркандский государственный
медицинский институт**

Защита состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании разового Научного совета при Научном совете DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 125). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «острый аппендицит является наиболее распространенным хирургическим неотложным состоянием у детей. В настоящее время расчетный риск острого аппендицита в течение жизни находится в диапазоне от 7% до 12% с заболеваемостью примерно 86-93 случаев на 100000 населения и чаще всего встречается в возрасте от 10 до 17 лет»¹. Самостоятельной проблемой являются осложненные формы острого аппендицита, характеризующиеся развитием аппендикулярного абсцесса, перитонита и сепсиса в 8 раз чаще, чем у взрослых. При этом частота его деструктивных форм достигает 74%, а генерализованные формы перитонита у детей встречаются в 2,5 раза чаще, чем местные. Дети, в дополнение к стертости клинической картины, зачастую имеют преобладание общей симптоматики над местной, а широкое назначение антибиотиков, маскирующих проявления, но не предотвращающих прогрессирование воспалительного процесса в брюшной полости, объясняет позднюю диагностику заболевания. Необходимость оперативного лечения острого аппендицита у детей не вызывает сомнений, однако вопросы тактики, а особенно выбора оперативного доступа и его объема остаются еще далекими от окончательного разрешения.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями остаются изучение предрасполагающих состояний, причинно-следственных связей, сказывающихся на течении заболевания и разных сторон сложных патофизиологических сдвигов, наблюдающихся при аппендикулярном перитоните у детей. Продолжаются исследования по изучению влияния анатомо-физиологических и иммунореактивных особенностей детского организма, микробного и генетически обусловленных факторов на течение патологического процесса, что может быть использовано для мониторинга пациентов с повышенным риском развития осложненных форм аппендицита, своевременной диагностики и лечения, а также может снизить частоту послеоперационных осложнений.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер, направленных на улучшение результатов лечения детей с острой абдоминальной хирургической патологией за счет внедрения современных технологий диагностики и лечения. В этом направлении, в частности, в улучшении качества предоперационной подготовки и методов безопасной хирургической тактики у детей с острым осложненным аппендицитом достигнуты положительные результаты. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым

¹ Di Saverio S, Podda M, De Simone B, et al. Diagnosis and treatment of acute appendicitis: 2020 update of the WSES Jerusalem guidelines. World J Emerg Surg. 2020;15(1):27.

